

Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 519-ҳадис

519 - وَعَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: كَانَ فِرَاشُ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مِنْ أَدَمٍ حَشْوُهُ لَيْفٌ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ [6456].

519. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тўшаклари теридан бўлиб, ичига хурмонинг қипиғи тиқилган эди».

Имом Бухорий ривояти.

Шарҳ: «Лийф» хурмо пўстлоғининг ички тарафидаги майин тола ва қипиғлар эди. Демак, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шахсий тўшакларининг ичига хурмо пўстлоғининг майин толалари солинган, жилди ошланган теридан қилинган экан. У зот ўша тўшакни кундузи тағларига солиб ўтирар, кечаси тағларига солиб ётар эканлар. Бу ҳам камтарона ва содда ҳаёт намунаси.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI